

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Ф.Темиров

Аннотация: Ушбу мақолада кўп тармоқли фермер хўжаликларидан бухгалтерия ҳисоби счётларини тадбиқ этишга доир илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

Аннотация: В данной статье даны научные предложения и рекомендации по внедрению бухгалтерских счетов во многоотраслевых фермерских хозяйствах.

Abstract: In this article, scientific proposals and recommendations on the implementation of t-counts in multi-industrial farms are given.

Калим сўзлар: фермер хўжалиги, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот счётлар режаси, молиявий ҳисобот, БҲМС, диверсификация

Ключевая слова: фермерских хозяйство, бухгалтерский учет, план счетов, финансовая отчетность, НСБУ, диверсификация

Key word: farms, accounting, t-counts, financial reporting, NAS, diversification.

Кириш

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ҳамда диверсификация қилиш бўйича қатор қонунуний ва меъёрий ҳужжатлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилиниб, улар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётини

ривожлантириш ва уни барқарорлаштиришда фермер хўжалиklarининг тутган ўрни ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боисдан, фермер хўжалиklари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилда ПФ-5199 сонли Фармони эълон қилинди. [1]

Ушбу фармонда фермер хўжалиklarининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, уларнинг қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётгани, фермер ва деҳқон хўжалиklари аъзолари ва томорқа ер эгаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, уларни зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш тизими, шунингдек, фермер хўжалиklарида меҳнат муносабатларини ташкил этиш ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани таъкидлаб ўтилган.

Мустақилликнинг дастлаб йилларидан мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш механизми ишлаб чиқилган ҳамда шу асосида бухгалтерия ҳисоби ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда фаолият юритаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан кўп тармоқли фермер хўжалиklари ҳам 21-БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” асосида бухгалтерия ҳисоби ташкил қилиниб келинмоқда.

Фермер хўжалиklarда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, тартибга солиш, ифодалаш, маълумотларни тўплаш ва сақлаш йўли билан хўжалик фаолиятини тезкор (жорий), тактик ва ҳатто стратегик бошқариш учун ахборот билан таъминлайди – бу фермер хўжалиklари фаолиятининг ҳақиқатдаги маълумотлари тўғрисида тизимга солинган маълумотлар

(кўрсаткичлар)дир. Ахборотни сақлаш деганда ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини сақлаш тушунилади. Бухгалтерия ҳисобининг барча бошқа ахбороти фақат маълум муддат мобайнида сақланиши ва ўзгармасдан қолиши мумкин, чунки ушбу ахборот унга хўжалик жараёнининг кейинги воқеа ҳодисалари доимий равишда ўзгаради. Бу ўзгариш счётлар тизими ёрдамида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби счётлари тизими унинг шакли ва мазмунининг муайян нисбатини ўзида мужассам этади. Бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш бўғинлари ва унинг счётлар тизими ўртасида диалектик ўзаро боғлиқлик мавжуд. Шундай қилиб, счётлар бухгалтерия ҳисоби шаклининг усули бўлса, счётлардаги тизимга солинган ва гуруҳланган ахборот – унинг мазмуни ҳисобланади. Счётлар тизимидан фойдаланишга қараб хўжалик муомалаларининг таркиби ва уларнинг мазмуни аниқланади. Бухгалтерия ҳисоби счётлари тизими хўжалик жараёнларини рўйхатга олиш ва гуруҳлаш бухгалтерия ахбороти тизимининг абстракт-мантиқий модели ҳисобланади. Счётлар тизимининг номенклатураси бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларини тузиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни олиш учун муҳим рол ўйнайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатимиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари ҳанузгача счётлар тизимига тааллуқли кўплаб масалалар (бухгалтерия ҳисоби, счётлар режасини аниқлаш, счётлар тизими номенклатурасини тузиш ва б.) ўзининг бир маъноли ечимини топмаганлиги кўшимча услубий, дидактик ва амалий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Илгари чоп этилган ишларда айрим муаллифлар бухгалтерия ҳисобини хўжалик операцияларини жорий акс эттириш ва хўжалик фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичларини олиш усули сифатида, бошқа муаллифлар режани бажаришнинг боришини назорат қилиш шакли ва усули сифатида,

учинчилари эса хўжалик воситалари, жараёнлари ва операцияларини иқтисодий жиҳатдан бир хил белгилар бўйича таснифлаш, умумлаштириш ва тизимга солиш усули тавсифлашди.[2]

Шунингдек, В.А.Астаховнинг таъкидлашича, "Счёт локал тизимни ўзида намоён этиб, унинг шаклланиши жараёнида хўжалик операцияларининг таъсири остида иқтисодий бир хил объектнинг мавжудлиги ва ҳаракатини ҳисобга олиш, жорий ва кейинги назорат қилиш амалга оширилади.[3] Айрим муаллифлар ҳозиргача счётни фақат бухгалтерияда қўлланиладиган алоҳида регистр (бухгалтерия китоблари, журналлари, қайдномалари ва ҳ.к.) сифатида тавсифлашади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, счёт ўзича ҳеч қандай назорат ҳаракатларини бажармайди. Буни U Gottlieb, H Hansson, G Johedлар каби иқтисодчи олимлар ўз мақоласидада бир неча марта асосли тарзда таъкидлашди. Бухгалтерия ҳисоби счётлари субъектни назорат қилиш учун счёт эмас, балки счётларда акс эттириладиган хўжалик жараёнлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланилади.[4]

Бу борада республикамиз олимлари ҳам турли хил ёндошувларни илгари суради. Жумладан, Б.Исроилов, Р.Холбековлар “Бухгалтерия ҳисобида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши учун ҳар бир маблағ, манба ва хўжалик жараёнлари учун белгиланган рақамлар бухгалтерия счётлари деб юритилади” деб таъкидлаб ўтган.[5]

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия счётлари ахборот абстракт-мантикий моделларни ва ҳисобга олинадиган объектларни хўжалик операцияларига айлантириш йўли билан миқдорий ўзгартириш ва улар мазмунини сифат жиҳатдан тавсифлаш учун таснифий белгиларни ўзида намоён этади.

Счётни дидактика мақсадлари учун схема кўринишида тавсифлаш мумкин.

Шунинг учун ўқув муассасаларида счётларни ўрганиш счётнинг "Т-модели"дан бошланади. Бу оддий схема тарзидаги модел счётнинг учта унсурини ўз ичига олади: 1) счёт номи; 2) чап томон - дебет; 3) ўнг томон - кредит. Бироқ счётни дидактика мақсадлари учун схема тарзида келтириш счёт, айрим муаллифлар таъкидлаганларидек, икки томонлама жадвални ўзида намоён этишини англамайди.

Континентал мактаб мамлакатларида (Германия, Франция ва б.) ҳам бухгалтерия счётлари номенклатураси шунга ўхшаш тарзда тузилади. “Счётлар режаси” номини ўзгартириш ўта мунозарали масала ҳисобланади. ушбу масала Н.Г.Белов, В.Ф.Паляя, Я.В.Соколов ва бошқа муаллифларнинг ишларида муҳокама этилган бўлиб, улар “счётлар режаси” номини " счётлар номенклатураси" номи билан алмаштириш зарур, дея таъкидлашган.[6]

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада кўп тармоқли фермер хўжаликларида бухгалтерия счётларини тадбиқ этишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси бозор иқтисодиётининг барча хусусиятларини иқтисодиётнинг турли тармоқлари, шу жумладан қишлоқ хўжалигининг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Мамлакатимизда счётлар режасини такомиллаштириш масалаларига ҳамма вақт катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда счётлар режаси турли даврларда иқтисодий ўзгаришлар ва корхоналарни бошқариш тизимининг ривожланишига қараб бир неча марта

қайта ишлаб чиқилиб, ўзгартирилди. Жумладан амалдаги счётлар тизими 2002 йилда қабул қилинган бўлса, кейинчалик замон талаблари асосида қайта кўриб чиқилган ҳамда ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу счётлар режаси мамлакатда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар учун умумий намунавий тусда белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда тармоқ корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишчи счётларни ишлаб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Шу билан бирга, счётлар режаси бухгалтерия ҳисоби амалиётининг ривожланишида ва бухгалтерия касби ходимларида янгича тафаккурнинг шаклланишида катта рол ўйнаган бўлсада, жиддий камчиликларга эга эди. Шулардан бири – асосан, кўп тармоқли фермер хўжаликларида харажатларни ҳисобга олиш ва уларни шакллантиришга, кўшимча ва билвосита харажатларни олдиндан тақсимлаган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблаб чиқишга, тугалланмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ операцияларни акс эттириш ва бошқа харажатларни ҳисобга олишда аниқликни таъминламайди. Бу эса кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган ва уларни қайта ишлаш натижасида олинадиган маҳсулотлар таннархини тўғри ҳисобга олишда муаммоларни юзага келтирмоқда. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи, тўлов қобилиятини аниқлашнинг холисоналиги билан боғлиқ барча манфаатдор ички ва ташқи фойдаланувчилар ҳисоботларининг фойдалилигини таъминлаш муаммолари ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида хулосаларга келиш олимлар ва амалиётчиларнинг диққат марказида бўлди.

Алоҳида тармоқлар иқтисодиётида, шу жумладан бугунги кунда кишлоқ хўжалигининг локомативига айланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини барқарорлаштириш тенденциялари бошқарувнинг иқтисодий усулларида фаол фойдаланишни рағбатлантирди, бу қайсидир даражада

хўжалик юритувчи субъектлар менежерлари ва раҳбарларининг бошқарув учун бухгалтерия ахборотига бўлган қизиқишини оширди. Алоҳида тадбиркорлик тузилмаларида бухгалтерия бошқарувини ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлди. Бундан ташқари, мамлакат ҳисоб юритиш амалиётини ҳисоб юритишнинг халқаро стандартлари билан уйғунлаштиришга доир ҳуқуқий талаблар счётлар номенклатурасининг бошқарув ва молиявий ҳисоби счётлари кичик тизимига табақаланишини шарт қилиб қўйди. Ушбу жиҳатлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини такомиллаштириш омилининг ҳал қилувчи йўналишлари бўлди.

Шу боисдан тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш қўйидагилардан иборат қатор афзалликларга эга:

- номенклатурани тузишдаги изчиллик, асосан анъанавий бўлимларни, счётлар номларини ва уларнинг шифрларини сақлаб қолиш, бу харажатларни ва бухгалтерия хизматларининг ундан фойдаланишга мослашиш даврини қисқартириш имконини беради;

- кузатувнинг улар ахборотидан фойдаланиш бойликлар қийматининг пасайиши ва шубҳали қарзларнинг ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган алоҳида объектларига заҳира тизим счётларини жорий этиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан синтетик счётлардан ишчи счётлар режасини танлаш имконияти, шунингдек аналитик счётлар мазмунига аниқликлар киритиш, уларни чиқариб ташлаш ёки бирлаштириш, қўшимча аналитик счётларни киритиш ҳуқуқи;

- молиявий ва бошқарув ҳисобини табақалаш ёки уларни ягона счётлар тизимида юритиш имконияти.

Амалдаги счётлар режасининг асосий камчиликлари жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- айрим кузатув объектлари бўйича, масалан, воқеалар ва (хўжалик

механизми суғурта ва заҳира тизимларининг) ҳаракатлар бўйича ахборотни акс эттириш учун счётларнинг мавжуд эмаслиги;

- даромадлар, харажатлар ва молиявий натижаларни шакллантиришга доир ахборотини акс эттириш учун инвариантликнинг мавжуд эмаслиги;

- молиявий ва бошқарувни ҳисобга олиш, инфляция шароитида мол-мулкни баҳолаш ва қайта баҳолаш учун счётлар аниқ таърифининг мавжуд эмаслиги;

- бўлимлардан счётлар таркибининг ноаниқ белгиланиши, масалан, айланма ва айланмадан ташқари активларнинг ўзгаришига доир ахборотини акс эттириш тартиби ўзгаришсиз қолмоқда, бу 5-сонли БҲМС ва 7-сонли БҲМС талабларига зиддир;

- ишлаб чиқариш самарадорлигининг кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотини акс эттириш, тўплаш ва сақлаш учун счётларнинг мавжуд эмаслиги.

Бугунги кунда амалиётда мавжуд камчиликлар ва муаммоларни камайтириш учун счётлар тизими номенклатурасини тузиш бухгалтерия ҳисоби методологиясига (ҳисобшуносликка) ҳамда мамлакатимиз ва жаҳон амалий тажрибасига асосланиши керак. Хорижий мамлакатлар ичида қуйидаги давлатлар тажрибасини алоҳида ажратиш мумкин: Германияда бухгалтерия ҳисоби счётлари биринчи бўлиб молиявий ва ишлаб чиқариш бухгалтерияси учун бўлинган.[7] Инглиз-саксония ҳисоб юритиш тизимида счётлар молиявий ва бошқарув бухгалтерияси счётларга бўлинади, шунингдек, молиявий ва бошқарув бухгалтериясида ҳисоб юритиш, назора қилиш ва режалаштиришнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш имконини берувчи “харажатлар - ишлаб чиқариш” усули ҳам счётлар номенклатурасини тузиш учун асос ҳисобланади; Францияда счётлар режаси бухгалтерия ҳисобининг континентал модели тамойилларига асосланган. Шунингдек, континентал модел Австрия, Германия, Италия, Норвегия, Швейцария ва

Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам қабул қилинган. Ушбу моделдан Япония ҳам фойдаланади. Франция бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси жаҳонда кенг тарқалган (жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлақатида шунга ўхшаш счётлар режаси тузилади). Ундаги счётлар олти рақамли кодларга эга: дастлабки рақам счётлар синфини (тоифасини), иккинчиси – асосий счёт рақамини, учинчиси – биринчи тартиб субсчётларини, тўртинчиси – иккинчи тартиб субсчётларини, бешинчиси – биринчи тартиб аналитик счётини, олтинчиси – иккинчи тартиб аналитик счётини англатади. Счета относящиеся к классам (разделам) 1-5-тоифалар (бўлимлар)га кирувчи счётлар – баланс счётлари; 6-7-тоифалар – “харажатлар - ишлаб чиқариш” счётлари (молиявий натижаларни аниқлаш учун); 8-тоифа – балансдан ташқари счётлар; 9-тоифа – ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш счётлари. Молиявий ва ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш счётларини ўзаро боғлаш учун тўққизинчи тоифада (бўлимда) махсус (акс эттирувчи) счётлар ажратилган.

Бухгалтерия стандартлари бўйича халқаро кўмитанинг талабларига мувофиқ бухгалтерлар профессионал ташкилотлари Бутунжаҳон счётлар режасини яратиш масаласини олға суриб, счётлар режасини тузишнинг умумий тамойилларини таклиф қилишмоқда. Уларнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

- ташкилотнинг мол-мулки ва молиявий аҳволини аниқ акс эттириш;
- маблағлар ва манбаларни баҳолаш, эҳтиёткорлик, ҳисоб юритиш даврларини бўлиш, фойдаланиладиган усулларнинг доимийлиги, ахборотнинг сифатлилиги, фаолиятни давом эттириш;
- счётлар режасида баланс счётларини, “харажатлар - ишлаб чиқариш - натижалар” счётларини, бошқарув, маржинал, аналитик, ёрдамчи бухгалтерия счётларини аниқ ажратиш;
- баланс, “харажатлар - ишлаб чиқариш”, бошқарув бухгалтерияси счётлари ва боғловчи счётлар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш.[8]


Тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун юқорида келтирилган ишчи счётлар режаси тўлиқ етарли бўлиб, уларни ушбу тадбиркорлик иқтисодий субъектларини бошқариш хўжалик механизмларининг ахборот талабларига тўлиқ жавоб беради. Биринчи галда, юқорида келтирилган счётлар ишчи режаси жами умумий маҳсулотнинг айланиши жараёнида деҳқон (фермер) хўжалигининг бутун хўжалик фаолиятини акс эттириш имконини беради. Мазкур счётлар режаси ёрдамида тадбиркор хўжалик ҳаёти тўғрисидаги ахборотни гуруҳлаши, тизимга солиши ва ушбу ахборотни ички бошқарув ва ташқи фойдаланувчилар учун, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳисоботларнинг турли шаклларига айлантириши мумкин.

“Қишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг энг хатарли соҳаси бўлиб, у ички ва ташқи хатар омиллари таъсири остида амал қилади. Соҳадаги асосий хатарлар уни юритишнинг ўзига хос объектив шарт-шароитлари, биринча навбатда, мавсумийлик ва об-ҳаво шароитига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятининг натижавийлиги нафақат ер ва меҳнат ресурслари, фойдаланиладиган агротехника ва технологияларнинг сифати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигига, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишнинг юқори даражада хатарли ҳисобланган объектив шароитига боғлиқ”.

“Фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ташкил этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маълум бир турини етиштириш билан ихтисослашиб қолмай, шу билан бир қаторда, уларни қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва турли хизматларни кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятни ташкил этиши уларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлайди, тармоқдаги мавжуд иқтисодий ресурслардан янада самарали фойдаланиш имкониятларини оширади. [9]

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш табиий иқлим шароитига боғлиқлиги ҳам харажатларни тўғри ҳисобини юритишда бур мунча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Амалда фойдаланилаётган счётлар режасида табиий иқлим шароитлари натижасида юзага келадиган (қўшимча) харажатларни ҳисобга олиш мақсадида алоҳида счёт белгиланмаган. Бунинг натижасида кўп тармоқли фермер хўжаликларида хатарларни бошқариш, яъни табиий об-ҳаво шароити натижасида юзага келадиган тасодифий харажатларни ҳисобга олиш ҳамда ушбу харажатларни тақсимлаш жараёнида метадалогик муаммолар мавжудлиги соҳада тадқиқотлар олиб бориш кераклигини яна бир бор исботламоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғларида тасодифий йўқотишларни олдини олиш борасида мамлакатимизда тизимли ишлар олиб борилган. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш тизими ишлаб чиқилган ҳамда бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда. Лекин аграр хўжалик тармоғида тасодифий йўқотишлар фақат табиий офатлар натижасида содир бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатлар таркибига кирувчи харажат моддалари реестрини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатларни ҳисобга олиш схемаси

Биз томонимиздан таклиф этилаётган “тасодифий йўқотишлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёти” кўп тармоқли фермер хўжаликларида харажатлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлашда муҳим ҳисобланади. Юқорида таклиф этилаётган счётнинг модели келтирилган.

Ушбу схемада кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатларни маҳсулот таннархига киритиш ёки уни қоплаш бўйича бухгалтерия ўтказмалари келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра кўп тармоқли фермер хўжаликларида тасодифий харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- табиий офат натижасида юзага келган харажатлар;
- суғурта натижаларида қопланмаган харажатлар;
- ишчи ва хизматчилар айби билан юзага келган харажатлар;
- табиий йўқотиш нормалари ва ҳ.к.

Ушбу харажат моддаларини биз томонимизда таклиф қилинаётган 2200 – “Тасодифий йўқотишлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счёти” алоҳида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу счётни қуйидаги аналитик счётлар бўйича юритилиши белгиланди:

2210 – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича тасодифий харажатларни ҳисобга олувчи счёти”;

2220 – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида юзага келадиган тасодифий харажатларни ҳисобга олувчи счёти”.

Хулоса

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бир ёки ҳатто бир неча турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик тадбиркорлик тузилмаларида бухгалтерия ҳисобини оддий схема бўйича юритиш мумкин. Бундай ҳисоб юритишнинг асосини даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш

китобларини "даромад-харажат" тамойили бўйича юритиш ташкил қилади. Кўп тармоқли деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришининг шаклланиши ва ривожланиши ҳисоб юритиш (ишлаб чиқариш) объектларининг ҳам, умуман ҳисоб ахборотининг ҳам ошишига олиб келиши муқаррар.

Шу муносабат билан хўжалик операцияларини батафсил тизимга солиш зарурати юзага келади. Шунинг учун, биз кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг содда шаклдаги ҳисоб регистрларида ва бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси амалдаги тизимининг алоҳида счётларида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.10.2017 йилдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5199- сонли Фармони.
2. Никитин В.М. Методика преподавания теории бухгалтерского учета "Счета и двойная запись" (учебное пособие). - М.: ТСХА, 2003. - 62 с.
3. Астахов В.П. Теория бухгалтерского учета / В.П. Астахов. - М.: Экспертное бюро-М, 2006.-351 с.
4. Gottlieb, U., Hansson, H., Johed, G. Institutionalised management accounting and control in farm businesses. Scopus/ Scandinavian Journal of Management, 37 (2), статья No 101153. 2021
5. Б.И. Исроилов, Р.О.Холбеков Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: “Тафаккур” нашриёти 2020. 240 б.
6. Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета / Я.В. Соколов. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 496 с.
7. V.Nidiz, H.Anderon, D.Kolduyell Principles of Accounting. М: Финансы и экономика, 2 ое изд. 2014
8. Ткач В.И. Международная система учета и отчетности / В.И. Ткач, М.В. Ткач. - М.: Финансы и статистика, 1991. - 160 с.
9. Баймирзаев Д.Н. Кўп тармоқлилик – фермер хўжаликларида хатарларни бошқаришнинг муҳим йўналиши. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил.